

Минг бир касб

МЕХНАТНИНГ РОҲАТИ

ҲАЁТДА шундай одамлар бўладики, улар ўз умри ва тақдирини ўзгалар ташвиши билан, кишилар огирини енгид қилиш, улар дардига шерик бўлиш билан боғлайди. Ана шундай ҳокисор кишилар туфайли елкамиздаги юкмиз енгил, узоқ йўлимиз эса яқин, зағу ўй-режаларимиз қувончга айланади. Тоҳир ака Умархонов ҳақида гап борганда бехиётёр ана хусларин ўйлайсан, киши. Жамоа унга ишонди, у ҳам жамоани қўнғилга яқин олиб, дарду қувончларини айтади, амалий ёрдам сўрайди. Т. Умархонов ҳаммасига улгурди: доимо одамлар кўнглини олишга ятилади.

Тоҳир Умархоновнинг бунчалик иззат-икромга сазовор бўлиши, шубҳасиз, 42 йил давомида шофёрлик касбига меҳр қўйиб, ҳалол меҳнат қилиши туфайлидир. 42 йил. Бу айтишга осон, албатта. Мўълоини эдингизна сабазурган Тоҳиржон 1948 йилда ҳеч яқинламай ўзи севган касби — ҳайдовчиликни ўрганди. Шундан сўнг у 12 йил давомида Октябрь район Совети ижроия комитети уй-бошқармасида шофёр бўлиб ишлади. Мана, 1960 йилдан то шу кунгача К. Д. Ушнинг номидagi ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказий илм-гоҳида шофёр бўлиб ишлаб келмоқда. Олийгоҳ ректори Ж. Ғ. Нурдошев ўз касбининг фидойиси Тоҳир ака Умархонов тўғрисида шундай дейди:

— Тоҳир аканинг ҳаёт йўли ва меҳнат фаолияти билан яқиндан танишман. Айтишга осон, у бизнинг илмгоҳда 30 йилдан буюн бир жойда ишлаётганлигининг ўзи ҳам унинг яхши фазилатини иснон эъқолидани далолат бериб турибди. Шу йиллар давомида у кишини қиш, ёни ёз демая машинасини доимо сафарга тайёр тутди, унинг бирон марта кўча ҳаракати қондасини бузганлигини, ё авария қилганлигини, машинаси носоз бўлиб, тўхтаб қолганлигини аслай олмайман. Бу касбга меҳр, масъулиятини хис этиш самараси.

Илмгоҳ меҳнат кекаси, тарих ва жамиятшунослик кабинети мудири Б. Исмолов фикри:

— Ҳалол меҳнат келтирар роҳат, дейишгани қанчалик тўғри эканлигини Тоҳир ака Умархонов мисолида яққол кўриб турибмиз. 42 йил бир касбда ҳалол ишлаб, шунчалки оғура эришдилар. Ёшлар ундан нброт олса арзийди.



— Умархоновнинг жамоат ишларидаги фаолияти ҳам диққатга сазовор, — дейди илмгоҳ касба уюшмаси раиси С. Усмонов. — Шунча ишлаб, на бир йўловчи, на бир ГАИ ходимининг Тоҳир ака устидан шикоят қилиб келганлигини эшитмаганман. У ёқили ва эҳтиёт қисларни тежаида омиқдорлиги ва минг-минг километр йўлни нуқсонсиз босиб ўтганлиги учун Ўзбекистон ССР халқ таълими вазирлиги ва илм-гоҳ маъмурияти томонидан бир неча марта рағбатланган. Унинг кўксини «В. И. Ленин туғилган кўннинг 100 йиллиги» юбилей нишони ва «Меҳнат ветерани» медали беэаб турибди. Бир сўз билан айтганда, Тоҳир Умархонов халқда, эзу юрта садоқат билан хизмат қилаётган фидойи инсондир.

С. ҲАСАНОВ,
СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

○ Тошкентдаги 2-уйсозлик комбинатда ўзбек тили курсдарининг тингловчилари дастлабки имтиҳонни топширдилар.

○ СУРАТДА: имтиҳонни аъло баҳога топширган корхона хавфсизлик техникаси бўйича муҳандиси Т. В. Лифанова. Р. Шамсиддинов (ЎзТАГ) сурати.

Бошқариладиган бозор иқтисодиёти бўсағасида

ТИЖОРАТ ДЎКОНИ

ПУҚ бизга бу дўконнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ, деб жавоб беришди менга савдо Бош бошқармасида. Кейинроқ маълум бўлишича, дўкон Халқаро «Тиюн» тижорат маркази тасаруфи остида очилган экан. Мазкур марказ ўз навбатида Москва халқ дипломатияси жамғармаси ҳузурида ташкил этилган.

Айтиш керак, дўконда харидорлар кўп. Яхши молларни соғиниб қолган, кўп сонли дўконларнинг ҳувиллаб ётган пештахталари кўнглига теккан кишилар бу ерга таширф буюриш имкониятини бой беришмапти. Бу ерда молларнинг турлари нисбатан хилма-хил: пойабзал, кўйлаклар, юбклар, костюмлар, плашлар, пальтолар, аппаратур, уша-эликлар, зеб-зийнат буюмлари ва бошқа буюмлар бор. Фақат уларнинг нархини айтмасан...

Нархларини сиз суратларда кўриб турибсиз. Шунинг учун харидорларнинг кўнглини ҳеч нарса харид қилмай дўкондан бўш чиқиб кетапти.

Бизда савдо воситачилик тарзида ташкил этилган, — деб ҳикоя қилади дўкон директори Р. С. Маликова. — Яъни молларимизнинг нархини уларни топирувчи белгилайди. Мол топирувчилар орасида айрим шахсларгина эмас, қўшма корхоналар, ширкатлар ҳам бор. Масалан, «Грация» ширкатининг блузкаларига, «Регина»нинг эркаклар костюмга, республика моделлар уйларининг пойабзаллари ва кишим-кечакларига талаб катта.

Тўғри, нархи нисбатан маъқул бўлган ана шу моллар савдо заида айтганлик кўп эмас. Эҳтимол уларга эҳтиёж йўқдир? Сотувчиларнинг эътирофи эишларига қараганда, гап бунда эмас. Шунчаки, маҳаллий маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг чапдастлиги у даражада эмас, уларнинг маҳсулотлари хорижий намуналар билан рақобатлаша олмайдди. Биз бироз савдо заида бўлиб,

15 «Савдонинг бундай кўриниши эҳтимол зарурдир, аммо энг муҳими харидорнинг манфаати кўзда тутилмиш лозим. Бу ерда бўлганидан сўнг, кўпчилик барбир бозорга йўл олади, чунки у

ридаги ишбилармон кишилар клуби иш бошлаганидан далолат бериб, ланг очилди. Бу ерда шерикчилик шартномаларини, тижорат битимларини тузиш, чет эллик корхоналар билан учрашши билан бир қаторда хориқ чикариш учун барча шароитлар яратилган. Бездан унчи рассом В. Хегай «овчилар зал», «римча зал», «қишқик зал»ни дид билан беэатган. Фақат бу ерга клуб аъзоси билети билангина кириш мумкин.

— Буларнинг ҳаммасига маблагини Халқаро «Тиюн» тижорат маркази акратди, — деб ҳикоя қилади клуб директори В. С. Петрушанский. — Катта қўлдамга ишлар бажарилди, таъмирлаш ишлари икки йилдан кўпроқ давом этди. Сиз кўриб турган нарсаларнинг ҳаммаси бузилиш мўъжалланган экин уй ўрнида пайдо бўлди. Келажакда меҳмонхона, сауна, ўзини автоматлари элини қўриш, аҳоли учун ўз маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи цехни ташкил этиш ниғтимиз бор. Вақти келиб ёнма-ён шархона чойхона пайдо бўлишига, бог вужудга келтирилишига ишонинг келади. Буларнинг ҳаммасини биз ўз кўчмиз билан бажарамиз. Ҳозирча хўжалик масалаларида муаммоларимиз охиб-тошиб ётбди.

Халқаро «Тиюн» тижорат марказининг ҳам режалари кўп. Халқ истеъмолчи буюмларини ишлаб чиқарувчи ўз қувватларидан, «Тюн-полимер» фирмаси томонидан пластмасса буюмлар ишлаб чиқарилишидан ташқари саёҳатларни ташкил этиш ривож топади.

Аммо буларнинг ҳаммаси келажак режалари холос. Ҳозир эса пул ишлаш керак. Аммо пул топиш учун ҳар қандай воситалардан фойдаланиш яхшимизми?

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

қиммат нархларининг топиширувчи га ҳам, дўконга ҳам фойдали эканлигини англади. Харидор эса аввалгидек ҳақ-хуқуқсиз; «хўхласанг — ол, хўхламасанг — тўрт томонинг қилба».

Топширувчиларнинг бизга мурожаат этишининг сабаби, бизда топирилан мол қайта баҳоланмайди, уни сақлагандик учун воситачи дўконлардагидек ҳақ олинмайди, — деб давом этади. Рузина Сергеевна. — Бунинг устига комиссияга топириш учун навабат кутиб вақтингизни совурмайсиз. Талон олиб белгиланган кунга соат 10 дан 14 гача келаверинг. Дўкон хизмат кўрсатгани



○ СУРАТЛАРДА: тижорат дўкони пештахталарига қўйилган маҳсулотлар. Т. Каримов суратлари.

Қиш тайёргарликни ёқтиради

КЎМИР САВДОСИ

Унга бўлган эҳтиёж қандай қондирилмоқда?

— Ҳозирча йўқ, — дейди кўкрагига бир қанча жанговар нишонлар тақиб олган отахон. — Ишимиз юришиб турибди. Кўз тегмасе бугун кўмирли бўлишимиз.

— Биз эса ўтган ойда навабатга ёзилгандик, — дейди ўзини Ҳафиза Муслимова деб таништирган аёл. — Бугун қачон олиб кетишим мумкинлигини аниқлагани келдим. Анави-лар эса умумий рўйхатга ёзилиш учун навабатда туришибди.

2-кўмир омборининг шикоят ва тақлифлар дафтарига кўз югуртирамиз. Унинг учдан бир қисми миннатдорлик сўзлари битилган ёзувларга тўла. Бу бизда аввалгига бироз шубҳа уйғотди. Аммо асарият одамларининг холис хизматдан кўнгли тўлаётганлигини эшитиб, хотиржам тортидик.

— Шу йилнинг саккизи ойи ичида 15 мингдан зиёд хонадонга бу зарур ёқилги «еткизиб» берилди, — дейди омбор сотувчиси Абдулгани Раксиев. — Яна 2,5 минг буртмачи кўмир олиш учун навабатда туришибди. Уларнинг ҳам албатта талабни қондираемиз. Бундан ташқари йил охирига қадар яна рўйхатга ёзилмаган 3 минг буртмачи кўмирли бўлади. Ҳозир август ойларининг бошларида буюртма берганлар кўмир олишмоқда. Бу муадат бироз узоқ. Аммо эҳтиёжини қондиришга кирфоя қилди. Биз эссон Собира Раҳимов ва Киров районларида яшовчи аҳолининг, Октябрь районида истиқомат қилувчиларнинг ярмини кўмир ёқилғис билан таъминлаймиз. Умумий навабатдан ташқари имтиёзлиларнинг ҳам навабти ташкил этилган. Улар кўмирни 50 фойз нархида олишади. Бундай

имтиёзга эга бўлганларнинг исми-фамилияларини биз районлардаги социал таъминот бўлимларининг мутахассисларидан оламиз.

— Омборхонага эссон қайси жойлардан кўмир келтирилмоқда?

— Қараганда, Шуэбасс ва Узимизиллар Ангрэндан. Шу вақтгача қўзбассликлар 13 минг тонна йирик, 13 минг тонна майда кўмир жўнатишди. Қарагандадан олинган кўмир 7 минг тоннадан ортиб кетди. Узимизиллар Ангрэндан эса 46 минг тоннадан зиёд кўмир олди. Бу шу даврга мўлжаллангандан 2 минг тонна кўпдир. Йил охирига қадар ангрэнликлар бизга яна 15 минг тонна кўмир «еткизиб» беришга ваъда бермоқдалар.

Кўмир омборида навабатда турганларнинг кўнглида Ангрэн кўмирига талаб катта. Бунинг боиси бор, албатта. Негизи у ердан олинатган кўмир бошқаларига нисбатан анча янрик. Фойдаланишга қўлай. Чикитга чикариладиган кўминг ҳам унчалик кўп эмас. Шунинг учун ҳам Ангрэн кўмири кўмир омборини унчалик банд қилиб қолмапти.

Утган йили кўмир омбори хизматчилари муҳим аниқликка қўл урдилар. Майдаланиб кетган, ўймай тўлгани қолган 6 минг тонна кўмир кукунини Ангрэн ГРСЭга топириб, у ердан шунча микдорда тоза кўмир олдилар. Бу ишни амалга оширишга ҳар икки жамоа ўртасида тузилган шартноманинги ўзи кирфоя қилди. Манфаатли ҳақдорлик бу йил ҳам давом эттирилади.

Р. АҲМАДАЛИЕВ,
«Тошкент оқшони» муҳбири.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

МАДРИД. Янгича шароитда Европада барқарорликни аниқ-равшан таъминлай оладиган тузилмалар қандай бўлади, неча ўн йиллардан бери бир-бирига қарама-қарши турган ҳозирги ҳарбий-сиёсий уюшмаларнинг тақдирини нима бўлади, XXI аср инсоният учун тинчроқ ва хавфсизроқ бўладими? «НАТО»нинг истиқбол ва Европа хавфсизлигининг кўриниши» мавзусида ўтказилган халқаро анжуман қатнашчилари

бугунги кунда европаликларда тузилмаларга рағбат аниқ-равшан таъминлай оладиган тузилмалар қандай бўлади, неча ўн йиллардан бери бир-бирига қарама-қарши турган ҳозирги ҳарбий-сиёсий уюшмаларнинг тақдирини нима бўлади, XXI аср инсоният учун тинчроқ ва хавфсизроқ бўладими? «НАТО»нинг истиқбол ва Европа хавфсизлигининг кўриниши» мавзусида ўтказилган халқаро анжуман қатнашчилари

Ғарб кейинги йилларда Европа қитъасида ва умуман бутун дунёда рўй берган ҳуқуқ ўзгаришларини инкор эта олмайди. НАТОнинг «совуқ уруш» йилларида вужудга келган тузилмалари ва вазифаларини жиддий равишда қайта кўриб чиқиш, уни янги воқеаларга мослаштириш зарур бўлиб қолади — анжуман қатнашчиларининг кўпчилиги шундай хулосага келди.

ҲУКУМАТГА НИСБАТАН ОҒОҲЛАНТИРИШ

МАНАГУА. Сандиночилар назорат қилиб турган Мехикаташлар Миллий Фронти (ММФ) ҳукуматнинг иқтисодий сиёсатига қарши норозилик белгиси остида Ниварагуада фуқаролар бўйсунмаслиги кампаниясини болади. Пойтахтда ва жумҳуриятнинг кўпгина бошқа шаҳарларида сандиночилар ва саёба уюшмалари «арафдорларнинг оммавий намоишлари» бўлиб ўтди. Президент маҳкамаси бйоси олдидagi намоишда 6 минг киши қатнашди. Полиция билан тўқнашув бўлмади.

Манагуадаги митингга сўзга чиққан ММФ раҳбари Луисо Хименес бошланган норозилик ҳаракатлари «халқ манфаатларига зид иқтисодий сиёсат ўтказилган» хукуматга нисбатан оғоҳлантириш деб таъкидлади. У маъмурилардан «енг халқ омиратини» қаттиқроқлашувига олиб келадиган чора-тадбирлардан воз кечишни талаб қилди Луисо Хименес ММФ ҳукумат билан музокараларни бошлагани ҳам хабар қилди. Музокаралар чоғида сандиночилар касба уюш

малари ўз талабларини баён этадилар. Улар, жумладан, давлат секторига иш билан таъминлашга қафолат берилишини, асосий коммунал хизмат ҳақи оширилмаслигини, қишлоқда ер муаммосини ҳал этилишини, президентини бир қанча декретлари, шу жумладан мусодара қилинган ерларни ва бошқа мўлкларни соёиқ эгаларига қайтариб беришга, шунингдек иқтисодий эҳтиёжлар учун бюджет маблағларини сақлаб қолишга тааллуқли декретлари бекор қилинишини талаб этмоқдалар.

МИЛЛИЙ ИБОДАТХОНА БИТКАЗИЛДИ

ВАШИНГТОН. Вашингтон миллий ибодатхонасига Индиана штатидан олиб келинган минг фунтлик оқаб блоки сўнгги тош девор ўрнатилди. Ибодатхона 1907 йилда, президент Теодор Рузвельт дав

рида Вашингтоннинг энг юқори нуқтаси — Сайнт-Элбан заволидаги қурила бошланган эди Теодор Рузвельт ана шу ибодатхона пойдеворига биринчи гишти қўйган эди. Энди жаҳонда катталги жиҳатдан олтинчи ўринда тура

диган бу музаей ибодатхона қурилиш расман ниҳоясига етказилди. Тантанали маросимда сўзга чиққан АКШ президенти Жорж Буш миллий ибодатхона — «маънавият маънавий ҳаётнинг рамзи» эканлигини таъкидлади.

ИМЗОЛАНГАН ШАРТНОМА АСОСИДА

НЬЮ-ЙОРК. Американин «Вестер глоубл» партнёрлик компанияси Кавказнинг Қора денгиз соҳилидаги совет курорт шаҳри Сочида меҳмонхона билан қиморхона қуриш хусусида шартнома имзолангани тўғрисида хабар қилди. Унинг қароргоҳи Те

хас штатининг Остин шаҳрида жойлашган. Ассоциациятед Пресс ахборот агентлигининг хабар қилишича, мазкур лойиҳани амалга ошириш учун Совет Америка қўшма корхонаси ташкил этилди. Бу корхона 350 номерли меҳмонхона

билан қиморхона қурилишини бир йрим йил ичнда туғаллаш лозим. «Вестер глоубл» партнёрлигининг икки директори Кеннет Брауннинг айтишича, у Совет Иттифоқида хозиринг ичдаёқ ишлаб турган бир неча қиморхона ўртасида энг каттаси бўлади.



○ ЧЕХОСЛОВАКИЯ. Мабодо Прагининг Қўйи шаҳрига йўлнинг тўшиб қолса, албатта Валентинога — болаонали мулкчига дўконга қадам рақижда қилин. Валентинолар оқилсининг ана шу мулкни мўъжиза деса бўлади. Сопол ва заргарлик буюмларидан тортиб, рўзгорда керак турли жиҳозларни шу ердан топишишгиз мумкин. СУРАТДА: Валентино дўконда. ЧТК-ТАСС сурати.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

